1.5. Исходя из того, что ГЧП располагается на стыке интересов частной и публичной стороны при правовом анализе отношений ГЧП необходимо установить предмет правового регулирования: если применяются публично-правовые методы регулирования, то в одностороннем порядке применяется публично-правовой акт (к примеру, сбор налогов); если применяются частноправовые методы регулирования, то стороны исходят из своих обязательств по заключенному между ними договору.

1.6. В некоторых случаях недостаточно только заключение соглашения о ГЧП. Исходя из специфики предмета сотрудничества требуется либо с участием обоих партнеров либо одним из них для заключения других видов договоров. Посредством этих договоров партнеры смогут надлежащим образом исполнять свои обязательства по ГЧП (например, строительство детского сада, школы, общежития, организации деятельности социально-культурных организаций и т.п.) Эти договора становятся неотъемлемым элементом соглашения о ГЧП. В подобных случаях соглашение о ГЧП становится смешанным договором.

1.7. Интересы частного (получение прибыли) и публичного (экономия средств и времени) партнера всегда противоположны, несмотря на то, что в конечном счете они преследуют общественно-полезную цель. Категория «интерес» отличается от понятия воли, при этом первое является движущей силой, побуждающей энергией для совершения действий, влекущих благоприятные последствия для обеих сторон. При этом интерес всегда является объективным явлением, то есть существует независимо от воли сторон, а вот его реализация посредством субъективного права говорит о наличии субъективного начала. Успешная реализация соглашения о ГЧП зависит от наличия у сторон интереса, а уже потом требуется достижения равновесия в этих интересах.

Кроме интересов сторон есть общественный интерес, который заключается в экономическом и социальном развитии страны.

1.8. Равновесие интересов частного и публичного партнеров (баланс интересов) всегда был проблемным с момента возникновения института ГЧП. На наш взгляд данное равновесие достигается за счет справедливого распределения ответственности и возможных рисков, соразмерного вкладам получения прибыли от реализации проекта ГЧП, равновесия прав и обязанностей каждой стороны, а также равного доступа к охране и защите интересов партнеров.

1.9. Обеспечение открытости и прозрачности отношений в сфере ГЧП предусматривается законодательством в ограниченном виде – принцип прозрачности правил и процедур при осуществлении ГЧП. В Республике Узбекистан должным образом не налажена работа по доступности информации о соглашениях, заключаемых публичной и частной стороной в рамках ГЧП. На официальных сайтах государственных структур имеется лишь небольшая информация о субъектах, объектах и стоимости проекта, что ограничивает доступность данных соглашений для конечного потребителя.

1.10. Исходя из того, что частный партнер является слабой стороной в отношениях ГЧП, развитые страны (Великобритания, ОАЭ, Франция, Германия, Российская Федерация) в целях защиты их прав предоставляют различные гарантийные условия: использование услуг (гарантия получения дохода), гарантия минимальной платы за обслуживание, гарантия защиты от изменения законодательства, компенсационные выплаты, выплаты по окончании соглашения, гарантии защиты прав, гарантии равных прав для всех субъектов ГЧП.

1.11. В отечественном законодательстве нет единой сформированной системы защиты прав частного и публичного партнеров, так каждый способ защиты предусматривается в различных нормативно-правовых актах. В связи с чем, для надлежащей защиты частного и публичного партнеров в Республике Узбекистан, исходя из опыта развитых стран разработана единая система защиты их прав, которая осуществляется на основе общих гражданско-правовых (судебная защита прав, недопустимость в одностороннем порядке отказа от исполнения обязательств и изменения условий договора, возможность только в судебном порядке изменить, дополнить или расторгнуть соглашение), инвестиционных (невмешательство государственных органов в деятельность частных партнеров, свободный перевод денежных средств в Республику Узбекистан и из нее, реинвестирование доходов, репатриация денежных средств и активов при прекращении деятельности, защита прав при изменении законодательства, защита инвестиций и недопустимость их национализации, приоритет интересов частной стороны при конфликте национальных нормативно-правовых актов с международными договорами Республики Узбекистан), публичных (выплата субсидий, вклады в виде активов и имущества, предоставление бюджетных осуд, займов, грантов,

кредитных линий, налоговые льготы и преференции) и специальных (статья 34 Закона о ГЧП – гарантии защиты прав и интересов частного партнера при изменении некоторых положений законодательства) гарантиях.

1.12. По нашему мнению соглашение о ГЧП является смешанным видом договора, в соответствии с которым, заключается на определенный срок между государственным партнером и частным партнером, основанный на объединении их ресурсов для реализации проекта ГЧП. Кроме того, соглашение о ГЧП по своей правовой природе относится к группе гражданско-правовых договоров о совместной деятельности, а по характеру взаимодействия субъектов соглашения данная конструкция ближе к договору простого товарищества.

1.13. Соглашение о ГЧП может юридически оформлять отношения субъектов и в сфере предпринимательства, и в сфере некоммерческого партнерства. В первом случае такое утверждение условно, т.к. субъект со стороны государства может преследовать иные цели чем, субъект предпринимательства.

1.14. Закон допускает, что предметом соглашений о ГЧП может быть и деятельность, и результат деятельности. В последнем случае может быть совместное владение построенным объектом. Однако механизм участия государственного партнера не налажен и вряд ли удастся создать его на практике.

## **II. Предложения в сфере законотворчества:**

2.1. Концессионные договоры по своей правовой природе схожи с положениями ГЧП, при этом последнее является более широким определением, охватывающим в себя и концессию как один из видов сотрудничества государства с частными лицами. В связи с чем предлагается признать утратившим силу Закона «О концессиях» и внести изменения и дополнения в статью 1 Закона о ГЧП изложить ее в следующей редакции:

**«Статья 1. Цель и сфера применения настоящего Закона»**

*Целью настоящего Закона является регулирование отношений в области государственно-частного партнерства, в том числе концессий.*

*Действие настоящего Закона не распространяется на соглашения о разделе продукции и на сферу государственных закупок.*

*Реализация концессионных проектов, а также заключение концессионных договоров осуществляются в порядке, установленном настоящим Законом для проектов государственно-частного партнерства.*

2.2. Предлагается дополнить статью 3 Закона Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве» понятием нижеследующего содержания:

*«соглашение о государственно-частном партнерстве – гражданско-правовой договор между публичным партнером и частным партнером,*

*заключенный на срок не менее трех и не более сорока девяти лет, в порядке и на условиях, предусмотренных настоящим законом».*

2.3. На основании проведенного анализа признаков ГЧП предлагается нижеследующее определение понятию ГЧП, которое нашло свое отражение в статье 3 Закона о ГЧП:

*«Государственно-частное партнерство – это юридически оформленное на определенный срок сотрудничество государственного партнера и частного партнера, основанное на объединении их ресурсов для реализации проекта государственно-частного партнерства».*

2.4. Проанализировав принципы ГЧП, предусмотренные в Законе о ГЧП, мы пришли к выводу о необходимости статью 4 указанного Закона после слов «недопустимость коррупции» дополнить пунктом нижеследующего содержания:

*«доверие и сотрудничество при осуществлении государственно-частного партнерства».*

И дополнение данного Закона статьей 9<sup>1</sup> в следующей редакции:

*«Статья 9<sup>1</sup>. Принцип доверия и сотрудничества при осуществлении государственно-частного партнерства*

*Доверие и сотрудничество при осуществлении государственно-частного партнерства обеспечивается за счет уважения автономии воли частного партнера, информированности населения о реализуемых проектах государственно-частного партнерства, сотрудничества государственного партнера и частного партнера при формировании социально приемлемых цен на услуги, надлежащего управления инфраструктурой при переходе от государственного управления к частному, с целью обеспечения прав работников соответствующей инфраструктуры».*

2.5. Финансовые и иные организации, предоставляющие финансирование проекта ГЧП не могут выступать стороной в соглашении о ГЧП, так как они не принимают участия при заключении данного соглашения, а после заключения последнего лишь оказывают финансовые услуги партнерам для реализации проекта ГЧП, на основании чего и предлагается исключить часть вторую статьи 13 Закона о ГЧП, предусматривающей, что «Сторонами соглашения о государственно-частном партнерстве могут также являться финансовые и иные организации, предоставляющие финансирование проекта государственно-частного партнерства».

2.6. Формулировка части второй статьи 30 Закона о ГЧП, в соответствии с которой «стороны соглашения о государственно-частном партнерстве, обладающие правом собственности, должны быть наделены правом предоставлять друг другу такие права» является не правильной, так как собственник по законодательству Республики Узбекистан и так обладает правом распоряжения вещью, находящейся в его собственности. В связи с этим, предлагается часть вторую статьи 30 указанного Закона изложить в следующей редакции:

«Стороны соглашения о государственно-частном партнерстве, обладающие правом собственности, могут предоставлять друг другу такие права, включая право на аренду, владение, пользование земельными участками, другим недвижимым, а также движимым имуществом и нематериальными активами, наряду с иными имущественными правами в пределах, необходимых для реализации проекта государственно-частного партнерства».

2.7. Видится целесообразным исключить часть вторую статьи 34 Закона о ГЧП (редакция Закона от 10 мая 2019 года), а часть первую указанной статьи изложить в следующей редакции:

*«Если изменение законодательства Республики Узбекистан, действовавшего на дату заключения соглашения о государственно-частном партнерстве, напрямую влечет увеличение расходов частного партнера или уменьшение его доходов в рамках проекта государственно-частного партнерства, частный партнер, исходя из осуществляемого проекта, вправе требовать компенсационного увеличения платы за доступность объекта государственно-частного партнерства и (или) платы за пользование, а также требовать от государственного партнера разовой компенсационной выплаты и (или) внесения соответствующих изменений и (или) доплат в соглашение о государственно-частном партнерстве, если это предусмотрено соглашением о государственно-частном партнерстве».*

### **III. Предложения по совершенствованию правоприменительной практики:**

3.1. При проведении переговоров до заключения соглашения о ГЧП, с целью эффективного использования времени и устранения возможного злоупотребления своим положением победителя или статусом государства, автором утверждается, что сведения, указанные в объявлении о тендере и принятые победителем тендера обязательства, изложенные в его предложениях не должны быть предметом переговоров. Данное предложение нашло свое применение при разработке пункта 39 Положения «О порядке осуществления государственно-частного партнерства при финансировании разработки проектов детальной планировки частей населенных пунктов» утвержденного Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №169 от 26 февраля 2019 года.

3.2. Соискателем считается целесообразным предусмотреть в законодательстве о ГЧП норму, по которой соглашение о ГЧП может быть расторгнуто по обоюдному согласию сторон, в случае банкротства и/или ликвидации частного партнера, по требованию государственного партнера – в случае невыполнения частным партнером своих обязательств, по требованию частного партнера – в случае невыполнения государственным партнером своих обязательств, при этом расторжение соглашения по последним двум основаниям осуществляется в судебном порядке. Данное

предложение нашло свое применение при разработке пункта 44 Положения «О порядке осуществления государственно-частного партнерства при финансировании разработки проектов детальной планировки частей населенных пунктов» утвержденного Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №169 от 26 февраля 2019 года.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ

**КАЮМОВ БАХТИЁР ЭРКИНЖОНОВИЧ**

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи; Талбирворлик ҳуқуқи; Оила ҳуқуқи, Ҳалқаро хусусий ҳуқуқ

юрдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В1022.3.PhD/Ун791 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Хукуқий нувофаза қилни академиясида бажорилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида ([www.ziyounet.com](http://www.ziyounet.com)) ва «Ziyounet» Ахборот тилим порталида ([www.ziyounet.com](http://www.ziyounet.com)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Окюлов Оманбай юрдик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган олим
Расмий оппонентлар:	Камалов Ойбек Ахматович юрдик фанлари доктори, профессор Холбоев Собир Баратович юрдик фанлари номзоли, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошмадаги Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация қимомси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳузуридаги PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 6 март куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (+998)555010189, факс: (+998)555010189, e-mail: [zadualaroliymaktabi@umail.uz](mailto:zadualaroliymaktabi@umail.uz))

Диссертация билан Судьялар олий мактабининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (+998)555010189; факс: (+998)555010189, e-mail: [zadualaroliymaktabi@umail.uz](mailto:zadualaroliymaktabi@umail.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил 22 февралда тарқатилди.

(2023 йил 22 февралдаги 6-рақамли реестр баёниномаси)



К.О.Синдаров

Илмий паражадар берувчи илмий кенгаш  
раиси, юрдик фанлари доктори, профессор

Д.Р.Артиков

Илмий паражадар берувчи илмий кенгаш  
илмий кенгаши, юрдик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Б.Б.Самартолқас

Илмий паражадар берувчи илмий кенгаш  
қошмадаги Илмий семинар раиси, юрдик  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инфратузилманинг лозим даражада ишлашига хизмат қиладиган ресурсларнинг етишмаслиги туфайли давлат ўз ваколатларини хусусий секторга топшириш тенденцияси мавжуд ва бу хусусий ва давлат шериклиги ресурсларини бирлаштириш механизмни пухта ишлаб чиқишни ва улар ўртасидаги риск ва даромадларни тўғри тақсимлашни талаб қилади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 800 миллионга яқин киши электр энергиясиз яшайди, 2,2 миллиард киши ичимлик сувдан керакли даражада фойдалана олмайди, иш юкламалари кўп бўлган портлар, аэропортлар ва йўллар тараққиёт ва савдони секционлаштирмоқда, давлат-хусусий шериклиги эса кўпроқ одамларга сифатли инфратузилма хизматларини кўрсатиш воситасидир. Иктисодиётга йирик хусусий капиталнинг жалб этилаётганлиги туфайли кўплаб мамлакатларда ушбу муносабатларни тартибга солишни илмий таҳлил қилишга зарурат вужудга келмоқда.

Жаҳонда давлат-хусусий шериклигини тартибга солишда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда шерикларнинг манфаатлари мувозанатини таъминлашга, ҳам шерикларнинг, ҳам жамиятнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат-хусусий шериклигининг универсал моделини ишлаб чиқишга, жавобгарлик ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни тақсимлашга, хусусий шерикнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳимояланиш ҳуқуқидан тенг фойдаланишга, шартнома тузиш, ишонч ва ҳамкорликда ҳуқуқ суниестемол қилинишининг олдини олишга, қонунчиликда ноқулай ўзгаришлар юз берганда хусусий шерикларга кафолатлар беришга, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда суний интеллектдан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда давлат-хусусий шериклик институтини тадқиқ этиш кўламини кенгайтириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда имтиёз ва преференциялар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, хорижий хусусий шериклар учун мамлакатнинг инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусий шерикларнинг ҳуқуқларини лозим даражада ҳимоя қилишни таъминлаш ва уларга давлат томонидан кафолатлар бериш масалаларига кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Жумладан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Иқсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида (ID-76071) давлат-хусусий шериклиги устувор мақсад ва вазифаларини (6, 26, 31, 34, 48 ва бошқалар) амалга оширишнинг асосий воситалардан бири сифатида белгиланган ва бу борада мақсадли чора-тадбирлар кўрилмақда. Таъкидлаш жоизки, давлат-хусусий шериклиги нафақат замонавий воқеликда, балки келажакда ҳам иктисодиёт ва ижтимоий соҳада мақбул восита бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз ҳуқуқий маконида ДХШ нисбатан янги ижтимоий-

иктисодий ҳодисадир. Шунинг учун ҳам илмий баҳо бериш талаб қиладиган бир қатор назарий ва амалий муаммолар мавжуд. Аввало, унинг ҳуқуқий моҳиятини илмий таҳлил қилиш орқали фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар тизимидаги ДХШнинг ўрини аниқлаш зарур. Мотивацион манфаатларнинг моҳияти ва доираси ва уларни юридик расмийлаштириш механизми аниқлаш лозим. Хусусий шерикчи давлат номидан иштирок этувчи шерик томонидан сунъиеъмол қилинишидан превентив ҳимоя қиладиган шакл ва кўникмаларни ривожлантириш керак. Ҳам тижорий, ҳам нотижорат шерикликларга адаптация қилинган ДХШнинг умумий универсал конструкциясини ўрганиш керак. Шунингдек, илмий-услубий нуқтаи назардан ДХШ соҳасидаги ҳуқуқни қўлаш амалиётини умумлаштириш зарур. Ушбу ва бошқа омиллар ушбу мавзунинг ўрганишининг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2022), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2019), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (2020) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация талюкоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари миқдорий ҳуқуқшунос олимлар томонидан алоҳида илмий мақолалар, тезислар, монографиялар қисмлари шаклида ўрганилган. Масалан, Х.Р. Раҳмонкулов, О. Оқолов, А.Х. Саидов, С.С. Гулямов, Р.Ж. Рузиев, Н.Ф. Имомов, Б.Б. Самарходжаев, Д.М. Караходжаева, И.Р. Рустамбеков, М.Х. Баратов, Қ.М. Меҳмононов, Х.Н. Усмоновлар ўз асарларида хусусий шахсларнинг давлат билан умумий мулк, хусусий мулк ҳуқуқлари, шартномалар тузишининг умумий назарий масалалари, давлат ва юридик шахсларнинг

манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ўрганганлар.

Яқин хориж давлатларида О. Ревзина, Р. Чураков, Л. Шамирзаева, В.А. Белов, В. Ворнаевский, А.В. Гладов, Е.В. Горчаков, Е.А. Суханов, Е.А. Громова, Е.А. Дадеркина, А.А. Демин, В.В. Манкевич, С.А. Киракосян, Е.В. Гриценко, А.Ф. Пянкова, В.Е. Сазонов, А.В. Фролов асарларида давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий назарий ва махсус масалалари тадқиқ қилинган.

Abdel Aziz, de Vries, P., E.V. Yehoue, J. Delmon, Dolly Mirchandani, Armando Rivera Jacobo, M. Flinders, B. Flyvbjerg, Francois-Guilhem Vaissier, Louis-Jérôme Laisney, Olivier Le Bars, Sacha Ruffié, M.J. Garvin, D. Bosso, Graeme Hodge, Carsten Greve, Mhamed Biygautane, D. Herbert, E.H. Kljij, Tom Marshall, Helen Beatty, Sam Cundall ўз асарларида давлат-хусусий шериклик моделларининг эволюцияси, шаклланиши, моҳияти ва ҳуқуқий табиати, турлари, шериклар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, тарафларнинг хатарлари ва мажбуриятларини тақсимлаш масалаларини ўрганганлар.

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотлари хусусий ва давлат томонидан ресурсларни бирлаштириш, манфаатлар мувозанатини таъминлаш, махсулотни тақсимлаш имкониятларининг умумий назарий ва фундаментал масалаларига бағишланган, аммо давлат-хусусий шерикликдаги муносабатларни алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш, шартнома тузиш, унинг ижроси, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ушбу институтнинг зарурияти ва аҳамияти мустакил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий масалалари» илмий тадқиқотининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

давлат-хусусий шериклик институтининг ҳуқуқий моҳиятини комплекс тадқиқ қилиш;

давлат-хусусий шериклик институтининг пайдо бўлиши ва эволюциясини ўрганиш;

жаҳонда ва Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликнинг зарурияти ва моҳиятини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

давлат-хусусий шерикликнинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий асосларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш;

давлат-хусусий шерикликнинг шартномавий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини яратишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

давлат-хусусий шерикликда манфаатлар мувозанатининг ҳуқуқий таъминлаш масаласини таҳлил қилиш;

давлат-хусусий шерикликда хусусий шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

давлат-хусусий шериклик институтини Ўзбекистон Республикаси қонуinchилиги асосида, шу жумладан рақамлаштириш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш шароитида қўллаш ва асосий муаммоларини аниқлаш;

давлат-хусусий шерикликка оид Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий қўллаш амалиёти, хорижий давлатлар қонуinchилиги ва халқаро ҳужжатлар, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантқий, индукция ва дедукция, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий аниқлиги** қуйидагилардан иборат:

агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонуinchилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари ошишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик амалга оширилаётган лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдалангичлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгариш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли эканлиги неботланган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштирувчи молиявий ташкилотлар ва бошқа шахслар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафи сифатида иштирок эта олмаслиги ва кредитор сифатида эътироф этилиши асослантирилган;

концессия давлат-хусусий шерикликнинг турларидан бири эканлиги, шу билан давлат-хусусий шериклик ягона қонун билан тартибга солиниши кераклиги исботланган;

иккада томоннинг розилиги билан, хусусий шерик банкрот бўлганда ва (ёки) тугатилганда, давлат шеригининг талабига кўра – хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаганда, хусусий шерикнинг талабига кўра – давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаганда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилиниши мумкинлиги асослантирилган, охири икки ҳолатда шартномани бекор қилиш суд тартибда амалга оширилади.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

давлат-хусусий шерикликнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишига мансублиги исботланган, чунки шериклар тарафларининг тенглиги принципи асосида ҳокимият ва бўйсунушга асосланган маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишига хос бўлмаган битим тузилди;

хусусий ва давлат шерикларининг манфаатлари мувозанатга жавобгарлик ва юзага келиши мумкин бўлган ҳатарларни адолатли тақсимлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан олинган фойдани муносиб белгилаш, ҳар бир тарафнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тенглиги, тарафларнинг манфаатларини бир хил муҳофаза ва ҳимоя қилиш орқали эришилши асослантирилган.

хусусий шерикнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллаш орқали турли хил кафолат шартларини тақдим этиш орқали мамлакатнинг инвестиция муҳитига ижобий таъсир қилиши мумкинлиги исботланган: хизматлардан фойдаланиш (даромад кўришидаги кафолатлар), минимал хизмат хақи кафолати, қонунчиликдаги ўзгаришлардан ҳимояланиш кафолати, компенсация тўловлари, шартнома яқини бўйича тўловлар, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари, давлат-хусусий шерикликнинг барча субъектлари учун тенг ҳуқуқлар кафолатлари;

қўпгина ривожланган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам хусусий ва давлат шерикларини ҳимоя қилиш умумий фуқаролик, инвестиция, оммавий ва махсус кафолатлар асосида амалга оширилиши исботланган;

хусусий шерикларга компенсация тўлаш учун давлат томонидан ҳуқуқини қўллаш амалиётида кафолатлар белгилаш ва зарур ҳолларда хусусий шерик манфаатларига энд қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилган тақдирда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асослилиги тегишли методологиядан фойдаланиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини миллий қонунчиликнинг тегишли ҳужжатлари билан қиёсий таҳлил қилиш, миллий ва хорижий илмий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиш, давлат органлари томонидан тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва тасдиқлаш орқали расмийлаштирилган.

**Таджикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Таджикот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илмий-назарий таҳлил асосида олинган натижалардан ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришда, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, давлат-хусусий шерикликни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини шарҳлашда, давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузишда, шерикларнинг ҳавфи ва жалобларини тақсимлаш, қонунларга шарҳлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Таджикот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан қонунчилик фаолиятида, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек олий юридик таълим муассасаларида фуқаролик ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасидаги фанларни ўқитишда ижобий самара беради.

**Таджикот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижаларига кўра қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди:

агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари охирига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик, амалга оширилаётган лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик объектидан эриш фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли эканлиги ҳақидаги тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ЎРҚ-669-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Қонуни 34-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 11 майдаги 04/1-04/1-542-сон қарарига асосан). Ушбу тақлифнинг киритилиши хусусий шерикка нисбатан кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжат таъсирини саклаб қолишга доир нормаларни қонунчиликдан чиқариб ташлаш ва хусусий шерикка компенсация тўловларини тақдим этиш, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгартириш ва



қўшимчаларни қонунчиликка киритиш тартибини ишлаб чиқишга хизмат қилди;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштирувчи молиявий ташиқлотлар ва бошқа шахслар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафи сифатида иштирок эта олмаслиги ва кредитор сифатида эътироф этилиши ҳақидаги тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ЎРҚ-669-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 11 майдаги 04/1-04/1-542-сон далолатномаси). Ушбу тақлифнинг киритилиши давлат-хусусий шериклик субъектлари доирасини белгилаш ва кредиторларни ушбу муносабатлардан чиқариш имконини берди;

концессия давлат-хусусий шерикликнинг турларидан бири эканлиги, шу билан бирга концессия ва давлат-хусусий шериклик ягона қонун билан тартибга солиниши кераклиги ҳақидаги тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ЎРҚ-669-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни 1 ва 3-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 11 майдаги 04/1-04/1-542-сон далолатномаси);

иқтисод томонининг розилиги билан, хусусий шерик банкрот бўлганида ва (ёки) тугатилганда, давлат шеригининг талабига кўра – хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаганида, хусусий шерикнинг талабига кўра – давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаганида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилиниши, охириги икки ҳолатда шартнома бекор қилиш суд тартибида амалга оширилиши ҳақидаги тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги «Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 169-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби

тўғрисида Низомнинг 44-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартiriшлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятининг 2021 йил 5 июндаги 24/06-05-сон далолатномаси). Ушбу тақлифнинг киритилиши битимни бекор қилиш ва уни суд тартибида амалга оширишга доир асосларни белгилашга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан 8 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Давлат-хусусий шериклик тушунчаси генезиси ва эволюцияси» деб номланган биринчи бобида давлат-хусусий шерикликнинг зарурати ва моҳияти, давлат-хусусий шерикликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий босқичлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи ҳуқуқшунос олимлар (M. Marsilio, G. Cappellaro, C. Succurullo, G.A. Hodge, C. Greve, A. Vives, J. Benavides, A.M. Paris, Van Ham, J. Korpenjan, M.J. Garvin, D. Bosso) ва Жаҳон банки гуруҳининг позицияларини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келади: давлат муаммоларини хал қилиш учун хусусий маблағларни жалб қиладиган институт қадимги даврлардан маълум бўлиб, бу атаманинг ўзи XX асрнинг 60-йилларида АКШда пайдо бўлган, унга кўра жамият инфратузилмаси давлат ва хусусий саноат-ҳаракатларни жалб қилган ҳолда ривожланади.

Ўзбекистон Республикасида энг йирик ДХШ лойиҳалари энергетика соҳасида бўлиб, ДХШ мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида

кeнг таркалган. Диссертацияда мактабгача таълим соҳасида 2019 йилдан буй амалга ошириладиган ДХШ лойиҳалари сонини кўскартириш тенденцияси кайд этилган (2019 йилда 520 та, 2020 йилда 333 та, 2021 йилнинг биринчи чорагида 37 та шартнома тузилган). Бундан ташқари, ушбу соҳада турли сабабларга кўра ДХШ лойиҳалари тугатилганлиги фактлари мавжуд, хусусан лойиҳага ўз хиссасини кўшиш учун маблағ топилмаган, кредит олиш учун старли гаров мавжуд бўлмаган, лойиҳанинг иқтисодий самарасизлиги, йиллик 1 % дан 12 % гача бўлган кредитлар ставкасининг ошиши, кредитдан фойдаланишни 15 йилдан 7 йилгача кискарттирилиши ва имтиёзли давр 3 йилдан 2 йилгача камайишини кўрсатиш мумкин.

Етакчи ҳуқуқшунос олимларнинг (Д.А. Самоволов, Е.А. Громова, А.А. Демин, G.A. Hodge, C. Greve, A. McConnell, B. Flyvbjerg, S. Jeffares, H. Sullivan, T. Bovaird, A. Ghobadian, E.H. Klijn) илмий ишлари асосида, халқаро ташкилотларнинг позициялари (Жаҳон банки гуруҳи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЕССАП), Осиё тараққиёт банки) ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда (Бууюк Британия, Сингапур, Корея Республикаси, Россия Федерацияси), диссертант шундай хулосага келадикки, ДХШнинг асосий хусусиятлари ва ДХШ соҳасидаги муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида тартибга солиниши лозим, унда ДХШ шартномасида томонларнинг тенглиги, ишонч ва ҳамкорлик, ДХШ лойиҳасини амалга оширишда ресурсларни бирлаштириш, шерикларнинг биргаликдаги фаолияти устувор аҳамиятга эга бўлади.

Диссертантнинг фикрига кўра, ДХШ доирасидаги шерикларнинг ҳуқуқий муносабатлари учун асос шартномадир ва у қонунга мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим» деб аталади. ДХШда иккала томон ҳам ижтимоий фойдали мақсадга эришишга интилади, яъни уларнинг манфаатлари бир йўналишда олиб борилди, гарчи хусусий шерик ушбу ҳамкорликдан фойда олишдан ва давлат шериги ўз бюджетини тежашдан манфаатдор бўлса ҳам. Битим одатда уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун қарши даъволарни келишиб олишга қаратилган бўлса, битимлар қарши ҳаракатларни эмас, балки умумий ҳаракатларни ташкил этишга йўналтирилган.

ДХШ тўғрисидаги қонунда назарда тутилган ДХШ тамойилларини таҳлил қилиб, тидқиқотчи ушбу қонунни ДХШни амалга оширишда ишонч ва ҳамкорлик принципи билан тўлдириш зарур деган хулосага келди, унинг доирасида муносабатлар хусусий шерикнинг эрк-иродасини инобатга олган ҳолда тартибга солинадик. Давлат шериги ва хусусий шерик ўртасидаги ҳамкорлик, давлат бошқарувидан хусусий бошқарувга ўтишда инфратузилмани тўғри бошқариш, тегишли инфратузилма ходимларининг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида жамоатчиликни хабардор қилган ҳолда ДХШ лойиҳалари, хизматлари учун ижтимоий мақбул нархларни шакллантирилади.

Тадқиқотчи ривожланган мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ, Германия) тажрибасини ва ДХШ битимининг субъектив таркибини ўрганиб чиқиб, фақат хусусий ва давлат шериклари битимнинг тарафлари бўлиши мумкин ва бошқа ҳеч қандай молия-кредит ташкилотлари ДХШ битимининг тарафлари сифатида ҳаракат қила олмайди, деган хулосага келди. Улар фақат ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун кредиторлар бўла оlishлари, шундан келиб чиқиб ДХШ қонунининг 13-моддаси иккинчи қисмини чиқариб ташлашни таклиф қилади.

Диссертацияда дунёда ДХШ тарихи қадимги даврлардан бошланиб, турли шаклларда мавжуд бўлганлиги таъкидланган. ДХШ институтининг кенг тарқалиши XX аср охирида Буюк Британияда рўй беради. Ўзбекистон Республикасида ДХШ институтининг шаклланиши ва ривожланиши икки босқичда – муスタқиллик эълон қилинишидан олдинги (хатто ЎзССР даврида ҳам) ва мустақиллик эълон қилинганидан кейинги даврда амалга оширилди. Иккинчи босқични ўзини икки даврга бўлиш мумкин, яъни биринчи даврда ДХШ институтининг элементлари шаклланди ва иккинчи давр эса ўрганилаётган соҳани тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилиниши билан характерлидир.

Бундан ташқари, концессия шартномалари ҳуқуқий табиати бўйича ДХШ қондаларига ўхшайди, шунингдек давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги ҳамкорлик турларидан бири сифатида имтиёزلарни ўз ичига олган кенгроқ институтдир. Шунинг учун диссертант ДХШ Қонуни орқали концессия шартномаларини ҳуқуқий тартибга солишни таклиф қилади.

Ахборот технологиялари, рақамлаштириш ва сунъий интеллект тараккий қилаётган шароитда олимларнинг позицияларини таҳлил қилиш (Satinder Bhatia, Г. Федоров) ва халқаро ташкилотлар (Жаҳон иқтисодий форуми) тажрибасига асосланган ҳолда диссертант ДХШ лойиҳаларида сунъий интеллектни кенг жорий этишни таклиф қилади. Яъни, сунъий интеллектдан ДХШ лойиҳасини бошлаш, давлат шеригини танлаш, тендер ўтказиш ва голибни – хусусий шерикни аниқлаш, ДХШ битимини тузиш, шартларни белгилаш тартибини соддалаштириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, хатарларни тақсимлаш ва амалга оширилиши мумкин бўлган майдон сифатида ДХШ орқали сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда ақли шахарлар, тўхташ жойлари, дори-дармонлар, транспортни тартибга солиш, тўхташ жойлари, экология ва табиатни бошқариш, табиий офатларни башорат қилиш, мураккаб тизимларни бошқариш мумкин.

**«Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асослари»** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида давлат-хусусий шерикликнинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий асосларининг ўзаро боғлиқлиги, давлат-хусусий шерикликнинг шартномавий-ҳуқуқий механизмини тақомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрига кўра, ДХШ ҳар доим фуқаролик шартномасининг турларидан бири ҳисоблангани, гарчи бу муносабатларда оммавийлик элементи иштирок этса ҳам, чунки инвестиция жозибадорлиги учун ушбу мақомни сақлаб қолиш муҳимдир. ДХШнинг мақсади юридик шахсларнинг қўндалик эҳтиёжларини қондириш эмас, балки жамоатчиликнинг муҳим манфаатларини ақс эттириш, хусусий сектордан маблағ жалб қилиш орқали давлат ёки маҳаллий ҳокимият органларнинг вазифаларини бажаришдан иборит.

Диссертант таъкидлайдики, ДХШ битими – бу давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида маълум муддатга ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун уларнинг ресурсларини бирлаштириш асосида тузиладиган аралаш турдаги битим.

ДХШни тартибга солишда шартнома тузишнинг муҳим таркибий қисми сифатида ҳуқуқий ташаббускорлик аҳамиятга эгадир. ДХШ иштирокчилари ўз ташаббуси ва иродаси, ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқларни қўлга киртадилар ва амалга оширадилар. Бунда ҳуқуқни бериш учун юқоридан қандайдир иродани талаб қилинмайди (масалан, давлат иродаси). ДХШ битими лойиҳасини тузиш ва ишлаб чиқишда томонлар биринчи навбатда ўз манфаатлари ва қўтилган натижани ҳисобга оладилар.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фуқаролик ҳуқуқи назариясининг асосий категорияларидан биридир. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, яъни ҳимоя қилишнинг муайян шакллари, усуллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. ДХШ битимини тузиш ва бажаришда, баъзи ҳолларда юқоридаги мезонларга мувофиқ ДХШ томонларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати туғилади.

ДХШ муносабатлари ҳуқуқий таҳлил шунини кўрсатмоқдаки, ДХШ хусусий ва оммавий манфаатлар чорраҳасида жойлашганлигига асосланиб, диссертант ҳуқуқий тартибга солиш предметини белгилаш зарурлигини асослайди: агар оммавий ҳуқуқий тартибга солиш усуллари қўлланилса, у ҳолда оммавий ҳуқуқ ҳужжати бир томонлама қўлланилади (масалан, солиқ йиғиш); агар хусусий ҳуқуқни тартибга солиш усуллари қўлланилса, томонлар улар ўртасида тузилган битим бўйича ўз мажбуриятларини бажарадилар.

Давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали хусусий тадбиркорларга лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш имкониятини бериш эвазига давлат ушбу соҳадаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун хусусий инвестициялар, юқори технологиялар ва илғор тажрибаларни кенг жалб этиш имкониятига эга бўлади.

Диссертант таъкидлайдики, хусусий шерик ўз ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шартнома объектини яратиш ёки қайта ишлаш (ўзгартириш) ва ушбу объектдан фойдаланган ҳолда (фаолият юритаётган) фаолиятни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Давлат

шериги эса хусусий шерикка ИТ-технологиялар объектига киртилган интеллектуал фаолит натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш мажбуриятини олади. Бирок, шартнома тарафларининг бундай мажбуриятлари ДХШ хусусиятига тўлиқ мос келмайди, чунки унда давлат-хусусий шериклик шаклини белгилловчи асосий мажбурий элементлар mavjud эмас.

ДХШ битими тузилишидан олдин музокаралар олиб боришда вақтдан самарали фойдаланиш ва голиб сифатида ўз мавқени ёки давлат мақомини суикстеъмола қилишни баргараф этиш лозим. Тендер эълонида кўрсатилган шартшумотлар ва тендер голиби ўз зиммасига олган мажбуриятлар музокаралар мавзуси бўлмаслиги керак. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2019 йил 26 февралдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг 39-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий тартибга солиш механизмни шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш масалалари» деб номланган учинчи бобда давлат-хусусий шерикликда манфаатларнинг ҳуқуқий мувозанати масалалари, давлат-хусусий шериклик субъектларининг ҳуқуқларини химоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тахлил қилинган.

Хусусий (фойда олиш) ва оммавий (маблаг ва вақтни тежаш) ҳамкорнинг манфаатлари доктринала ёндашуларга (Р. Иеринг, А. Ронд, В.А. Белов) кўра, улар ижтимоий фойдали мақсадга интилишларига қарамай, ҳар доим қарама-қарши бўлиб келган. «Манфаат» категорияси ирода тушунчасидан фарқ юлади, биринчиси ҳаракатлантирувчи куч, иккала томон учун ҳам қулай оқибатларга олиб келадиган ҳаракатларни амалга ошириш учун рағбатлантирувчи энергиядир. Шу билан бирга, манфаат ҳар доим объектин ҳодисадир, яъни у томонларнинг иродасидан мустақил равишда mavjud, ammo уни субъектин қонуи орқали амалга ошириш субъектин бошланишининг mavjudлигини кўрсатади. ДХШ битимининг муваффақиятли амалга оширилиши томонларнинг манфаатларига боғлиқ ва шундан кейингина ушбу манфаатларда мувозанатга эришиш керак.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, хусусий ва давлат шерикларининг манфаатлари мувозанатига (манфаатлар мувозанати) ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан олинган фойда ҳиссаси, ҳар бир томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мувозанати билан мутаносиб равишда маъсулият ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларни адолатли тақсимлаш, томонлар манфаатларини муҳофиза ва химоя қилиш орқали эришилади.

ДХШ битимида хусусий ва оммавий томонга қараганда ўзгача мақсадларга эга бўлади ва улар қуйидагилар билан ифодаланган: лойиҳа молиявий жиҳатдан фойдали, техник томондан амалга оширилиши ва бошқарилиши мумкин бўлиши (1); энг муҳим хатарлар – сийсий, ҳуқуқий,

иктисодий ёки лойиҳа билан боғлиқ хатарлар олдиндан аниқланган ва бошқарилиши (2); бошқарув сифати ва тузиллиши барқарор ва башорат қилиш мумкинлиги (3); норматив ва маъмурий жараёнлар махбур вақт ичида амалга оширилиши (4).

Кўпгина ривожланган мамлакатлар (Буюк Британия, Франция, Германия, АКШ, БАА, Россия Федерацияси, Австралия, Голландия) ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикларнинг елкасида кўпроқ хавфларни ўзгартиришни афзал кўришади, бу эса ўз навбатида шериклар ўртасидаги мувозанатни бузади. Албатта, давлат шериги ҳар доим ДХШ битимларида кучли томон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, бу хусусий шерикнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни етарли даражада кучайтиришни талаб қилади. Кўпгина ДХШ моделлари алақачон ҳар бир шерикнинг маълум бир хавф тури учун жавобгарлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида ДХШнинг аниқ моделлари назарда тутилмаган ва бу масала ДХШ Қонуни билан шерикларнинг ўз ихтиёрида қолдирилади, бу манфаатлар мувозанатини бузиши ва ҳуқуқдан суистеъмол қилинишига олиб келиши мумкин.

Хусусий шерик ДХШ муносабатларининг заиф томони эканлигига асосланиб, ривожланган мамлакатлар (Буюк Британия, БАА, Франция, Германия, Россия Федерацияси) ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун турли хил кафолат шартларини тақдим этадилар: хизматлардан фойдаланиш (даромад кафолати), минимал хизмат тўловлари кафолати, қонунчиликдаги ўзгаришлардан ҳимояланиш кафолати, компенсация тўловлари, шартнома якуни бўйича тўловлар, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кафолатлари, барча ДХШ субъектлари учун тенг ҳуқуқлар кафолатлари.

Ўзбекистон Республикасида хусусий ва давлат шерикларини ҳимоя қилиш, кўпгина ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, умумий фуқаролик ҳуқуқий (ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмаслик, фақат суд орқали битимни ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки бекор қилиш имконияти), инвестициявий (давлат органларининг хусусий шериклар фаолиятига аралашмаслиги, пул маблағларини Ўзбекистон Республикасига эркин ўтказиш, даромадларни қайта инвестиция қилиш, фаолияти тугатилганда маблағлар ва активларни репатриация қилиш, қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва уларни миллийлаштиришга йўл қўйилмаслиги, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид бўлган тақдирда хусусий томон манфаатларининг устуворлиги), оммавий (субсидиялар тўлаш, активлар ва мулк шаклидаги депозитлар, бюджет ссудалари, қарзлар, грантлар, кредит линиялари, солиқ имтиёзлари ва преференциялар) ва махсус (ДХШ Қонунининг 34-моддасида мувофиқ, қонун ҳужжатларининг айрим қондалари ўзгарган тақдирда хусусий

шерикнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш) кафолатлари орқали амалга оширилади.

Диссертантининг фикрига кўра, ДХШ битими иккала томоннинг розилиги билан, хусусий шерик банкрот бўлганда ва (ёки) тугатилганда, давлат шеригининг талабига кўра – хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаганда, хусусий шерикнинг талабига кўра – давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаганда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилиниши, охириги икки ҳолатда шартномани бекор қилиш суд тартибида амалга оширилиши қонунида ақс этиши мақсадга мувофиқ.

## ХУЛОСА

«Давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги тадқиқот натижалари асосида илмий-назарий, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. ДХШнинг ҳуқуқий моҳиятини аниқлашда муаммоли ҳолатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, ДХШ хусусийлаштириш эмас, балки ҳамкорликнинг ярим хусусийлаштириш шакли деган хулосага келдик, шу билан бирга давлатнинг тасарруф этиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда инфратузилма объектларининг мулкдори бўлиб қолади, хусусий шерикга эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва давлат эса инфратузилма тармоқлари ва табиий монополиялар фаолияти учун жамият олдида жавобгар бўлиб ҳисобланади ва махсус назорат ва тартибга солиш тизимини яратди ва ДХШ лойиҳаларидаги хатарлар давлат ва бизнес ўртасида тақсимланади.

1.2. ДХШнинг хусусий ёки оммавий-ҳуқуқий табиати муаммоси олимлар томонидан бир неча бор кўтарилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ДХШ хусусий ҳуқуқ хусусиятига эга деган хулосага келинди, чунки шериклар томонларининг тенглиги принциpigа таянади, ҳокимият ва бўйсиниш, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишга ҳос бўлмаган ДХШ битимини тузадилар. Бундан ташқари, ДХШ билан томонларининг ҳуқуқий муносабатлари маъмурий ҳуқуқ эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи предмети бўлган мол-мулкка нисбатан пайдо бўлади. ДХШ битими бевосита Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида назарда тутилмаган, номланмаган шартномалардан ҳисобланадан ва шартноманинг умумий қондалари орқали шартнома эркинлиги тамойили асосида тартибга солинади.

1.3. ДХШ доирасидаги шерикларнинг ҳуқуқий муносабатлари учун асос ДХШ Қонунда «ДХШ битими» деб аталадиган шартнома ҳисобланади. ДХШда иккала томон ҳам ижтимоий фойдали мақсадга эришишга интилади, яъни уларнинг манфаатлари бир йўналишга қаратилади, гарчи хусусий шерик ушбу ҳамкорликдан фойда олишдан



манфаатдор ва давлат шериги ўз бюджетини тежашдан манфаатдор бўлса ҳам. Шартнома одатда тарафларнинг эҳтиёжларини қондириш учун қарши талабларни қелишиб олишга қаратилган бўлса, шартномалар қарши ҳаракатларни эмас, балки умумий ҳаракатларни ташкил этишга йўналтирилган.

1.4. Ахборот технологиялари, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни ривожлантириш шароитида ДХШ лойиҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ўринли ҳисобланади. Яъни, сунъий интеллект орқали ДХШ лойиҳасини бошлаш, давлат шеригини таямлаш, тендер ўтказиш ва қолибни – хусусий шерикни аниқлаш, ДХШ битимини тузиш, шартларни белгилаш тартибини соддалаштириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Хатарларни тақсимлаш ва амалга оширилиши мумкин бўлган майдон сифатида ДХШ ёрдамида ақлли шаҳарлар, бекатлар, дори-дармонлар, транспортни тартибга солиш, тўхташ жойлари, экология ва табиатни бошқариш, табиий офатларни башорат қилиш, мураккаб тизимларни бошқариш мумкин.

1.5. ДХШ хусусий ва оммавий манфаатлар чорраҳасида жойлашганлигига асосланиб, ДХШ муносабатларини ҳуқуқий таҳлил қилишда ҳуқуқий тартибга солиш предметини белгилаш зарур: агар оммавий ҳуқуқий тартибга солиш усуллари қўлланилса, у ҳолда оммавий ҳужжат бир томонлама қўлланилади (масалан, солиқ йиғиш); агар хусусий ҳуқуқни тартибга солиш усуллари қўлланилса, томонлар улар ўртасида тузилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарадилар.

1.6. Базан ҳолларда фақат ДХШ шартномасини тузиш старли эмас. Ҳамкорлик предметининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, иккала шерик ёки улардан бири иштирокида бошқа турдаги шартномалар тузиш талаб этилади. Ушбу шартномалар орқали ҳамкорлар ДХШ бўйича ўз мажбуриятларини (масалан, болалар богчаси, мактаб, ётоқхона қуриш, ижтимоий-маданий ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқалар) тегишли тарзда бажаришлари мумкин бўлади. Ушбу шартномалар ДХШ шартномасининг ажралмас қисмига айланади. Бундай ҳолларда ДХШ шартномаси аралаш шартномага айланади.

1.7. Хусусий (фойда олиш) ва оммавий (маблаг ва вақтни тежаш) ҳамкорнинг манфаатлари, улар ижтимоий фойдали мақсадга интилишларига қарамай, ҳар донм қарама-қарши бўлиб келган. «Манфаат» категорияси ирода тушуничасидан фарқ қилади, биринчиси ҳаракатлантирувчи куч, иккала томон учун ҳам қулай оқибатларга олиб келадиган ҳаракатларни амалга ошириш учун рағбатлантирувчи энергиядир. Шу билан бирга, манфаат ҳар донм объектив ҳодисадир, яъни у томонларнинг иродасидан мустақил равишда мавжуд, аммо уни субъектив қонуи орқали амалга ошириш субъектив асоснинг мавжудлигини кўрсатади. ДХШ битимининг муваффақиятли амалга оширилиши томонларнинг манфаатдорлигига боғлиқ ва ундан кейингина ушбу манфаатлар мувозанатига эришиш керак.

Томонларнинг манфаатларидан ташқари, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ётган жамоат манфаатлари ҳам мавжуд.

1.8. Хусусий ва давлат шерикларининг манфаатлари мувозанати ДХШ институти пайдо бўлганидан бери доимо муаммоли бўлиб келган. Бизнинг фикримизча, хусусий ва давлат шерикларининг манфаатлари мувозанатига (манфаатлар мувозанати) ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан олинган фойда ҳиссаси, ҳар бир томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мувозанати билан мутаносиб равишда масъулият ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларни адолатли тақсимлаш, томонлар манфаатларини муҳофаза ва ҳимоя қилиш орқали эришилди.

1.9. ДХШ соҳасидаги муносабатларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш қонун ҳужжатларида чекланган шаклда, яъни ДХШни амалга оширишда қондалар ва процедураларнинг шаффофлиги принципи шаклида назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасида давлат ва хусусий тарафлар томонидан ДХШ доирасида тузиладиган битимлар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ҳақидаги ишлар лозим даражада йўлга қўйилмаган. Давлат идораларининг расмий веб-сайтларида лойиҳанинг субъектлари, объектлари ва нархи тўғрисида етарлича маълумот мавжуд эмас, бу фойдаланувчи учун ушбу шартномаларга кириб боришни чеклайди.

1.10. Хусусий шерик ДХШ муносабатларининг заиф томони эканлигига асосланиб, ривожланган мамлакатлар (Буюк Британия, БАА, Франция, Германия, Россия Федерацияси) ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун турли хил кафолат шартларини тақдим этадилар: хизматлардан фойдаланиш (даромад кафолати), минимал хизмат тўловлари кафолати, қонунчиликдаги ўзгаришлардан ҳимояланиш кафолати, компенсация тўловлари, шартнома яқини бўйича тўловлар, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кафолатлари, ДХШ субъектлари учун тенг ҳуқуқлар кафолатлари.

1.11. Миллий қонунчиликда хусусий ва давлат шерикларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона тизими мавжуд эмас, чунки ҳар бир ҳимоя усули турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида хусусий ва давлат шерикларини лозим даражада ҳимоя қилиш учун ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва у умумий фуқаролик ҳуқуқий (ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмаслик, фақат суд орқали битимни ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки бекор қилиш имконияти), инвестициявий (давлат органларининг хусусий шериклар фаолиятига аралашмаслиги, пул маблағларини Ўзбекистон Республикасига эркин ўтказиш, даромадларни қайта инвестиция қилиш, фаолиятни тугатилганда маблағлар ва активларни репатриация қилиш, қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, инвестицияларни ҳимоя

қилиш ва уларни миллийлаштиришга йўл қўйилмаслиги, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид бўлган тақдирда хусусий томон манфаатларининг устуворлиги, оммавий (субсидиялар тўлаш, активлар ва мулк шаклидаги депозитлар, бюджет осудалари, қарзлар, грантлар, кредит линиялари, солиқ имтиёзлари ва преференциялар) ва махсус (ДХШ Қонунининг 34-моддасида мувофиқ, қонун ҳужжатларининг айрим қондалари ўзгарган тақдирда хусусий шерикнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш) қафолатлари орқали амалга оширилади.

1.12. Фикримишча, ДХШ битими – бу шартноманинг аралаш тури бўлиб, унга кўра давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида маълум муддатга, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун уларнинг ресурсларини бирлаштириш асосида тузилади. Бундан ташқари, ДХШ битими ўзининг ҳуқуқий табиати бўйича биргаликдаги фаолият тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар гуруҳига киради ва шартнома субъектларининг ўзаро нисбати характерига кўра ушбу оддий шериклик шартномаси конструкциясига яқинроқ.

1.13. ДХШ битими тадбиркорлик соҳасидаги ва нотижорат шериклик соҳасидаги субъектларининг муносабатларини юридик расмийлаштириши мумкин. Биринчи ҳолатда, бундай баёнот шартли ҳисобланади, чунки давлат томонидан қатнашувчи субъект тадбиркорлик субъектидан бошқа мақсадларни қўлаши мумкин.

1.14. Қонун ДХШ битимларининг предмети фаолиятнинг ўзи ёки фаолият натижаси бўлиши мумкинлигига имкон беради. Иккинчи ҳолатда, қурилган объектга биргаликда эгаллик қилиш мумкин. Бироқ, давлат шеригининг бундай эгалликда иштирок этиш механизмининг амалга ошириш мураккаб муаммо ҳисобланади.

## **II. Қонун ижодкорлиги соҳасидаги таклифлар:**

2.1. Концессия шартномалари ҳуқуқий табиати бўйича ДХШ қондаларига ўқшайди, ДХШ давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги ҳамкорликнинг турларидан бири сифатида имтиёزلарни ўз ичига олган кенгроқ таърифдир. Шунга боғлиқ равишда, Ўзбекистон Республикасининг «Концессиялар тўғрисидаги Қонунини бекор қилиш ва ДХШ тўғрисидаги Қонунининг I-моддасига қуйидаги тахрирда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи этилади:

*«I-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиши соҳаси*

*Ушбу Қонуннинг мақсади давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни, шу жумладан концессияларни тартибга солишдан иборат.*

*Ушбу қонуннинг амал қилиши маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига тадбиқ этилмайди.*

*Концессия лойиҳаларини реализация қилиш, шунингдек концессия шартномаларини тузиш давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.»*

2.2. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасини қуйидаги мазмундаги тушунча билан тўлдириш таклиф этилади:

*«давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим – бу қонунда назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида қамқоғич уч йил ва қўли билан қирқ тўққиз йил муддатга тузилладиган фуқаролик шартномаси.»*

2.3. ДХШ белгиларини таҳлил қилиш асосида ДХШ Қонунининг 3-моддасида ДХШ тушунчасининг қуйидагича таърифни бериш таклиф этилади:

*«Давлат-хусусий шериклик – бу давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун уларнинг ресурсларини бириктиришга асосланган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида маълум муддатга қонуний расмийлаштирилган ҳамкорлик.»*

2.4. ДХШ Қонунини назарда тутилган ДХШ тамойилларини таҳлил қилиб, биз ушбу Қонунининг 4-моддаси «коррупцияга йўл қўймаслик» сўзларидан кейин қуйидаги хатбошини киритиш лозим деган хулосага келдик:

*«Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишда шонч ва ҳамкорлик.»*

Шунингдек, ушбу Қонунининг 9<sup>1</sup>-моддасига қуйидаги тахрирда тўлдириш киритиш лозим:

*«9<sup>1</sup>-модда. Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишда шонч ва ҳамкорлик тамойили»*

*Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишда шонч ва ҳамкорлик хусусий шерикнинг эрк-иродасини ҳурмат қилиш, амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳавари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, тегишли инфратузилма ходимларининг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида давлатдан хусусий бошқарувга хизматлар учун ижтимоий мақбул нархларни шакллантириш, давлат шериги ва хусусий шерик ўртасидаги ҳамкорлик ва инфратузилмани тўғри бошқариш орқали таъминланади.»*

2.5. ДХШ лойиҳасини молиялаштиришни таъминлайдиган молиявий ва бошқа ташкилотлар ДХШ битимнинг шитроқчиси бўла олмайди, чунки улар ушбу шартномани тузишда қатнашмайдилар ва битим тузилгандан сўнг улар шерикларга фақат лойиҳани реализация қилиш учун молиявий хизматлар кўрсатадилар. Шу билан, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштиришни таъминлайдиган молиявий ва бошқа ташкилотлар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қондан ДХШ тўғрисидаги қонунининг 13-моддаси иккинчи қисмидан чиқариб ташлаш таклиф қилинади.

2.6. ДХШ Қонунининг 30-моддаси иккинчи қисмидаги «мулк ҳуқуқига эга бўлган давлат-хусусий шериклик шартномасининг тарафлари бир-биринга бундай ҳуқуқларни беришга ҳақли бўлиши керак» деган қонда мақсадга мувофиқ эмас, чунки мулкдор Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигига мувофиқ, ўз мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан, ушбу Қонуннинг 30-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф этилади:

«Мулк ҳуқуқига эга бўлган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари бир-бирларига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини реализация қилиш учун зарурий бўлган шундай ҳуқуқларни, яъни ер участкаларини, бошқа кўчмас мулкларни, шунингдек кўчар мулкларни ва номоддий активларни ижарага олиш, эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек бошқа мулквий ҳуқуқларни бериши мумкин.»

2.7. ДХШ тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасининг иккинчи қисмини (2019 йил майдаги қонун тахрири) чиқариб ташлаш ва ушбу модданинг биринчи қисмини қуйидаги тахрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

*«Агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари охишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик, амалга оширилмаётган лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли.»*

### **III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар:**

3.1. ДХШ битими тузилишидан олдин музокаралар олиб боришда вақтдан самарали фойдаланиш ва голиб сифатида ўз маъқени ёки давлат мақомини суниётимол қилишни бартараф этиш лозим. Тендер эълонида кўрсатилган маълумотлар ва тендер голиби ўз зиммасига олган мажбуриятлар музокаралар мавзуси бўлмаслиги керак. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли пунктлари юсмларикинг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг 39-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинди.

3.2. Иккала томоннинг розилиги билан, хусусий шерик банкрот бўлганда ва/ёки тугатилганда, давлат шеригининг талабига кўра – хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаганда, хусусий шерикнинг талабига кўра – давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаганда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилиниши, охириги икки ҳолатда шартномани бекор қилиш суд тартибида амалга оширилиши

ҳақидаги тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли пунктлари юсмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомнинг 44-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES  
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 AT THE SUPREME SCHOOL OF JUDGES  
UNDER THE SUPREME JUDICIAL COUNCIL OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

---

**LAW ENFORCEMENT ACADEMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**KAYUMOV BAKHTIYOR ERKINJONOVICH**

**IMPROVING THE LEGAL FRAMEWORK OF PUBLIC-PRIVATE  
PARTNERSHIP**

12.00.03 - Civil law, Entrepreneurial Law, Family law, International private law

**DISSERTATION ABSTRACT**  
of doctor of philosophy (PhD) on science in law

Tashkent city - 2023

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission with number №B2022.3.Ph.D/Yu791

The dissertation is prepared at the Supreme School of Judges under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Scientific Council ([www.sudyalariymaktabi.uz](http://www.sudyalariymaktabi.uz)) and Information educational portal «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Scientific supervisor:</b>	<b>Okyslov Ormanbay</b> Doctor of Sciences in Law, professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan
<b>Official opponents:</b>	<b>Kamalov Oybek Akhmatovich</b> Doctor of Sciences in Law, professor <b>Kholboyev Sobir Barotovich</b> Candidate of Legal Sciences, Associate Professor
<b>Lead organization:</b>	<b>Center for Advanced Training of Lawyers under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan</b>

The defense of the dissertation will take place on 6 March, 2023 at 10:00 am at meeting of the Scientific Council Ph.D.37/27.02.2020.YU.107.01 at the Supreme school of judges under the Supreme judicial council of the Republic of Uzbekistan (Address: Choponeta street, 6, Tashkent, Uzbekistan. Phone: (998)55 501-01-88, e-mail: [sudyalariymaktabi@gmail.uz](mailto:sudyalariymaktabi@gmail.uz), [sudyalariymaktabi@exat.uz](mailto:sudyalariymaktabi@exat.uz))

The dissertation is available at the Information Resource Centre of the Supreme school of judges under the Supreme judicial council of the Republic of Uzbekistan (registered No. 10) (Choponeta street, 6, Tashkent, Uzbekistan, e-mail: [sudyalariymaktabi@gmail.uz](mailto:sudyalariymaktabi@gmail.uz), [sudyalariymaktabi@exat.uz](mailto:sudyalariymaktabi@exat.uz)).

The abstract of the dissertation was submitted on 22 February, 2023.

(Registry Protocol No. 6 from 22 February 2023.)



**K.O.Sindarov**  
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

**D.R.Arifov**  
Scientific secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Legal Sciences (PhD)

**B.B.Samarkhodjayev**  
Chairman of the scientific seminar under the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor



## **INTRODUCTION (doctor of philosophy (PhD) dissertation annotation)**

**The purpose** of the study is to develop proposals and recommendations aimed at improving the legal regulation of public-private partnership in the Republic of Uzbekistan.

**The object** of the study is public-legal relations on public-private partnership in the Republic of Uzbekistan.

**The scientific novelty of the research** is as follows:

it is proved that if a change in the legislation of the Republic of Uzbekistan, which was in effect on the date of the conclusion of the PPP agreement, directly entails an increase in the expenses of the private partner or a decrease in his income within the framework of the PPP project, the private partner has the right to demand a compensatory increase in the fee for the availability of the PPP facility and (or) the fee for use, and also require a one-time compensation payment from the state partner and (or) making appropriate changes and (or) additions to the PPP agreement, if this is provided for by the PPP agreement;

it is indicated that persons in the form of financial and other organizations financing the public-private partnership project cannot act as parties to the public-private partnership agreement and are creditors;

it is proved that the concession is one of the types of public-private partnership, while the concession and public-private partnership must be regulated by a single law;

it is indicated that the PPP agreement can be terminated by mutual consent of the parties, in case of bankruptcy and/or liquidation of the private partner, at the request of the public partner – in case of non-fulfillment by the private partner of its obligations, at the request of the private partner - in case of non-fulfillment by the public partner of its obligations, while the termination of the agreement on the last two grounds is carried out in judicial procedure.

**Implementation of research results.** On the basis of the scientific results obtained on the development of theoretical and legal knowledge related to the legal foundations of public-private partnership, the following proposals were developed and implemented:

The proposal that if a change in the legislation of the Republic of Uzbekistan, in force on the date of the conclusion of the PPP agreement, directly entails an increase in the expenses of the private partner or a decrease in his income within the framework of the PPP project, the private partner has the right to demand a compensatory increase in the fee for the availability of the PPP facility and (or) the use fee, as well as to demand from the state partner a one-time compensation payment and (or) making appropriate amendments and (or) additions to the PPP agreement, if this is provided for by the PPP agreement, have been formulated when making amendments and additions to Article 34 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Public-private partnership" by the Law of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions, as well as invalidation of certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of legislation on public-private partnership" No. LRU-669 dated January 22, 2021. (Act of the Committee of the legislative chamber of the Oliy Majlis of the Republic of

Uzbekistan on budget and economic reforms dated May 11, 2021 No. 04/1-542). The introduction of this proposal served to exclude from the legislation the norm for maintaining the force of a regulatory legal act that has become invalid in relation to a private partner, and providing compensation payments to a private partner, developing the procedure for making amendments and additions to the public-private partnership agreement with a negative impact of changes in legislation.

The proposal that persons in the form of financial and other organizations financing the public-private partnership project cannot act as parties to the public-private partnership agreement and are creditors was used when making amendments and additions to Article 13 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Public-private partnership" by the Law of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions, as well as invalidation of certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of legislation on public-private partnership" No. LRU-669 dated January 22, 2021 (Act of the Committee of the legislative chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on budget and economic reforms dated May 11, 2021 No. 04/1-542). The introduction of this proposal made it possible to specify the range of subjects of public-private partnership and exclude creditors from these relations.

The proposal that the concession is one of the types of public-private partnership, while the concession and public-private partnership must be regulated by a single law was used when making amendments and additions to Articles 1 and 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Public-private partnership" by the Law of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions, as well as invalidation of certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of legislation on public-private partnership" No. LRU-669 dated January 22, 2021 and also during the development of Articles 2 and 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions, as well as invalidation of certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of legislation on public-private partnership" No. LRU-669 dated January 22, 2021 (Act of the Committee of the legislative chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on budget and economic reforms dated May 11, 2021 No. 04/1-542). The introduction of this proposal served to reduce the number of regulatory legal acts and gave a universal character to the Law "On Public-private partnership".

The proposal that the public-private partnership agreement may be terminated by mutual consent of the parties, in case of bankruptcy and/or liquidation of the private partner, at the request of the public partner – in case of non-fulfillment by the private partner of its obligations, at the request of the private partner – if the state partner fails to fulfill its obligations, while the termination of the agreement on the last two grounds is carried out in court, it was used in the development of paragraph 44 of the Regulation "On the procedure for implementing public-private partnership in financing the development of detailed planning projects for parts of settlements", approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On approval of the regulations on the procedure for implementing public-private partnership in financing the development of projects for detailed planning of parts of settlements" No. 169 dated February 26, 2019 (Act of the Secretariat of the Cabinet of Ministers of the Republic of

Uzbekistan on macroeconomic analysis, structural transformations, financial and banking system, state assets management, competition development, entrepreneurship support and poverty reduction dated June 5, 2021 No. 24/06-05.) The introduction of this proposal served to specify the grounds for termination of the agreement and its implementation in court.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ  
LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I часть (I бўлим; I part)**

1. Каюмов Б.Э. Основные модели и формы государственно-частного партнерства // *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси* – 2016 йил 1-сон. – Б.74-77.

2. Каюмов Б.Э. Международный опыт применения механизмов государственно-частного партнерства: анализ, оценка, использование в условиях Узбекистана // *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси* – 2017 йил 1-сон. – Б.44-47.

3. Каюмов Б.Э. Предпосылки и перспективы внедрения государственно-частного партнерства в Узбекистане // *Вестник Академии правоохранительных органов при Генеральной прокуратуре Республики Казахстан*. 1 (7), 2018г. – Б.102-108.

4. Каюмов Б.Э. Государственно-частное партнерство в Республике Корея: законодательное регулирование и государственная поддержка // *Илмий-амалий, ҳуқуқий журнал "ODILLIK MEZONI"* – 2021 йил 2-сон. – Б.48-51.

5. Каюмов Б.Э. Public-Private Partnership In The Republic Of Uzbekistan: Foreign Theory And Problems Of Defining The Regulatory Sector // *The American Journal of Political Science Law and Criminology* – April 11, 2021 , P. 10-15.

6. Каюмов Б.Э. Вопросы прекращения и расторжения соглашения о государственно-частном партнерстве в Республике Узбекистан: гражданско-правовой анализ // *Илмий-амалий, ҳуқуқий журнал "ODILLIK MEZONI"* – 2021 йил 2-сон. – Б.50-52.

7. Каюмов Б.Э. Объединение ресурсов как основа ГЧП: принцип доверия и сотрудничества при реализации проекта ГЧП в Республике Узбекистан // *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси – Ахборотномаси* – 2021 йил 2-сон. – Б. 35-37.

8. Каюмов Б.Э. Особенности защиты прав частных субъектов по государственно-частному партнерству // *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси* – 2022 йил 3-сон. – Б. 90-94.

**II часть (II бўлим; II part)**

9. Каюмов Б.Э. Понятие и история возникновения государственно-частного партнерства // *Тадбиркорлик конунчилигини такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами* // *Маъсул муҳаррирлар ю.ф.н. Е.Канъязов, ю.ф.н. доц. Х.Азизов.* – Т.: ТДЮУ, 2015. –Б. 121-126.

10. Каюмов Б.Э. Усиление роли органов прокуратуры Республики Узбекистан в реализации социально-экономических реформ и государственного частного партнерства // Проблемы эффективности осуществления правоохранительной функции в обеспечении социально-экономической стабильности в обществе: сб. материалов Международ. науч.-практ. конф., Минск, 9-10 нояб. 2018 г. / под ред. В.В.Марчука, А.В.Солтановича. – Минск: Изд. центр БГУ, 2018. –Б.261-264.

11. Каюмов Б.Э. Государственно-частное партнерство в Республике Узбекистан и Великобритании: сравнительно-правовой анализ // Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йуналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент, "TOP IMAGE MEDIA" 2021. - Б. 416-421.

12. Каюмов Б.Э. Вопросы совершенствования договорно-правового механизма государственно-частного партнерства // Даават ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қуйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар. Халқаро давра суҳбати материаллари тўплами / Масъул муҳаррир Е.В.Коленко. – Тошкент. 2021. – Б. 386-393.

13. Каюмов Б.Э. Влияние договорных характеристик на эффективность государственно-частного партнерства // Science and education: сб. материалов Международ. конф. Анталия, Турция 15.04.2021г. / Б.152-154.

14. Каюмов Б.Э. Государство-частное партнерство в Республике Узбекистан: проблемы правоприменительной практики и вопросы совершенствования законодательства // Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий талқинотлари: республика 35-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 й. / Масъул муҳаррир ю.ф.д. доцент Ш.Ф.Файзиев. – Тошкент: «Tadqiqot». 2021. - Б 31-33.

Автореферат "Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси"  
журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз  
тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 22.02.2023  
Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»  
Гарнитурда 14 рақамли босма усулда босилди.  
Шартли босма табиғи 3,3. Адади: 85. Буюртма: №27

100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.  
Тел.: +998 90 9722279, [www.tiraj.uz](http://www.tiraj.uz)

«TOP IMAGE MEDIA»  
босмаxonасида чоп этилди.